

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори ўринбосари-
Департамент бошлиғи
адлия катта маслаҳатчиси



Ш.Ш. Сохибназаров

июнь 2025 йил

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг
харид комиссияси тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти харид комиссиясининг (кейинги ўринларда – Харид комиссияси) вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Харид комиссияси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти (кейинги ўринларда – Департамент) томонидан шакллантирилган ҳамда харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ғолибни танлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган коллегиял орган ҳисобланади.

Харид комиссияси Департамент органларида доимий фаолият кўрсатади ҳамда танлов (тендер) ва электрон савдолар иштирокчиларининг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражасини баҳолайди, тартибга солади ва харидларни рақобатлашув усуллари орқали ўтказилишини таъминлайди ва амалга оширилган харидлар бўйича ғолибни (ғолибларни) танлайди.

3. Харид комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Қонунлари, Олий Мажлис палаталари Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Қарорлари ва Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарор ва Фармойишлари, бошқа қонун ҳужжатлари, Бош прокурор ва Бош прокурор ўринбосари – Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғининг (кейинги ўринларда – Департамент бошлиғи) буйруқлари, фармойишлари, кўрсатмалари ҳамда мазкур Низом талаблари асосида амалга оширади.

4. Зарур бўлган ҳолларда Харид комиссиясига овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган эксперт мутахассислар жалб этилади.

5. Харидлар Департаментнинг бюджет ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2-боб. Харид комиссиясининг асосий вазифалари ва функциялари

6. Харид комиссиясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:
харид қилиш ҳужжатларини келишади;

таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди;

таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилайди;

таклифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди;

зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;

танлов (тендер) ва электрон савдолар иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;

дастлабки малака танловини ўтказди (агар харид қилиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса);

зарур бўлганда дастлабки малака танлови натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади;

зарур бўлганда баҳолаш гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

танлов (тендер) ва электрон савдо иштирокчиларининг таъсис ҳужжатлари ва шартнома тузиш ваколатини таҳлил қилади;

солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик мавжуд эмаслигини текширади;

иштирокчига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилмаганлигини ва инсофсиз ижрочилар ягона реестрига киритилмаганлигини текширади;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг электрон сайтидаги маълумотларни ўрганади, таҳлил қилади;

Иштирокчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги тарихини ўрганади;

Харидни сифатли амалга оширилиши учун иштирокчиларнинг зарур техник, молиявий, моддий, кадрларга оид ва бошқа ресурслари мавжудлигини таҳлил қилади;

харид иштирокчиларининг ўзаро аффилианганлигини текширади;

манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ўрганади;

Иштирокчиларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотларини ўрганади;

коррупцияга қарши ҳужжатларни текширади (тақдим этилган ёки сайтдаги) (агар мавжуд бўлса).

танлов (тендер) ва электрон савдоларни қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлайди;

Савдо ғолибини ва зарур бўлганда захирадаги ғолибни белгилайди ёки савдони амалга ошмаган деб топади;

7. Харид комиссияси ўзи қабул қилган қарорларнинг асослилиги ва беғаразлиги бўйича жавобгар ҳисобланади.

Харид комиссияси томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорлар Департамент ҳамда танлов (тендер) ва электрон савдолар иштирокчилари учун мажбурийдир.

3-боб. Харид комиссияси ишини ташкил қилиш

8. Харид комиссияси аъзолари тоқ сонларда шакллантирилади, унинг таркиби ва сони харид қилинаётган товар (иш, хизмат)ларнинг хусусиятларини инобатга олинган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

Бунда:

Харидни танлаш (танлов) орқали амалга ошириш учун Департамент ходимлари орасидан камида беш нафар аъзодан иборат таркибда харид комиссияси тузилади;

Харидни тендер ўтказиш орқали амалга ошириш учун камида етти нафар аъзодан иборат таркибда харид комиссияси тузилади.

9. Харид комиссиясининг ишига раис раҳбарлик қилади, у Харид комиссияси мажлисларини чақиради, олиб боради, овозга қўяди ва Харид комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларни эълон қилади. Шунингдек, харид комиссияси мажлислари баённомаларини имзолайди.

Харид комиссияси раиси қуйидаги ваколатларга эга:

Харид комиссияси мажлисларини чақиради ва мажлис кун тартибини белгилайди;

Харид комиссияси томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилади;

Харид комиссия аъзолари фаолиятини ҳамда комиссия аъзоларига юклатилган вазифалар бажарилишини назорат қилади;

Харид комиссияси самарали ишлаши учун зарур бўладиган бошқа чораларни кўради.

10. Харид комиссиясининг мажлисини раис, у бўлмаган тақдирда унинг ўринбосари олиб боради. Агар мажлисда харид комиссияси аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, харид комиссияси ваколатли ҳисобланади. Шунингдек, Харид комиссияси аъзолари ишдан бўшаганда, унинг ўрнини шу лавозимга тайинланган ходим тўлдиради.

11. Харид комиссиясининг ишчи органи вазифасини Молия-хўжалик бўлими амалга оширади.

12. Харид комиссиясининг тезкор фаолияти унинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган масъул котиб томонидан ташкил қилинади

13. Муайян бир харидни амалга ошириш Харид комиссияси аъзоларида харид иштирокчиси билан манфаатлар тўқнашуви ёки Харид комиссияси аъзоларининг аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжудлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, бундай аъзонинг овози мазкур масала бўйича овоз бериш натижаларидан чиқариб ташланади.

14. Харид комиссияси аъзоларида иштирокчилар билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, харид комиссиясининг ушбу аъзоси мажлисда ўзини ўзи рад этиши ва комиссиянинг мазкур мажлисида иштирок этмаслиги шарт.

15. Мазкур Низомнинг 13-бандида назарда тутилган шахслар Харид комиссияси таркибига киритилганлиги аниқланганда Комиссия раиси бундай шахсни муайян харидни ўтказгунга қадар рад этиш ҳақида қарор қабул қилади. Комиссия аъзосини рад этиш ҳақидаги қарор ёзма шаклда расмийлаштирилади ва рад этишга асос бўлувчи ҳолатлар қарорда кўрсатиб ўтилади.

16. Мазкур Низомнинг 9-бандида назарда тутилган кворум мавжуд эмаслиги туфайли Харид комиссияси аъзосини Департамент бошлиғининг буйруғи билан вақтинча алмаштирилади ва бу ҳақида Харид комиссияси мажлисининг баённомасига маълумот киритилади.

4-боб. Харид комиссияси ва аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

17. Харид комиссияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

иштирокчидан унинг малакавий талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи далилларни ҳужжат шаклида тақдим этишини талаб қилиш;

ихтисослаштирилган ташкилотда кўриб чиқиллаётган масалалар бўйича ҳар қандай маълумот ва ҳужжатларни сўраб олиш;

харид иштирокчиларининг таклифларида кўрсатиб ўтилган маълумотларини тегишли орган ва ташкилотлардан сўров юбориш орқали текшириб олиш;

Комиссия қуйидаги ҳолларда ўз қарори билан иштирокчиларни танлов (тендер)дан четлатиш ва уларнинг таклифларини кўриб чиқишни давом эттирмасдан қайтариб бериш ҳуқуқига эга:

Инсофсиз ижрочилар ягона реестрига киритилган, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи бўлган, қонунчиликни бузадиган тарзда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувини юзага келтирган иштирокчилар аниқланганда;

танлов иштирокчиси томонидан бирон-бир ҳаракатни содир этишга, қарор қабул қилишга ёки танлов савдоларини ўтказиш жараёнида буюртмачининг муайян бир харид қилиш тартиб-таомилини ўтказишига таъсир қилиш мақсадида буюртмачининг ҳозирги ёки аввалги ходимига ёки Харид комиссиясининг аъзосига ҳар қандай кўринишдаги мукофотни

бевосита ёки билвосита таклиф қилганда;

танлов иштирокчиси таклифларида танлов шартлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг талаблари бузилганлиги, нотўғри ахборот тақдим этилганлиги аниқланганда;

танлов иштирокчиси қайта ташкил этиш (ажратиш, қўшиш), тугатиш ёки банкротлик (мол-мулкани хатлаш) жараёнида бўлганда;

таъсис ҳужжатлари, ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки молиявий муносабатларда иштирокчилар бир-бирларига боғлиқ бўлганда;

Харид комиссияси харид мазмунини, нарх ва ишларни бажариш муддатини ўзгартирмаган ҳолда танлов (тендер) иштирокчилари таклифларини рад этиш сабабларини тушунтириб беради.

18. Харид комиссиясининг аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қўриб чиқиш учун тақдим этилган барча ҳужжатлар ва маълумотлар билан танишиш;

Харид комиссияси мажлисларининг кун тартибидаги масалалари бўйича сўзга чиқиш;

харид жараёнида тузиладиган баённомалар мазмунининг тўғрилигини текшириш;

Харид комиссиясининг мажлисларида ўзининг ёзма фикрини баён этиш;

овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин.

18. Харид комиссияси аъзоларининг мажбуриятлари:

Харид комиссиясининг мажлисларида шахсан иштирок этиш (вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, хизмат сафари ва бошқа узрли ҳолатлардан ташқари);

қонунчиликда белгиланган тартибга мувофиқ харидларга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тартиб-таомилларига риоя қилиш;

танлов (тендер) иштирокчиларини текшириш бўйича зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш;

мазкур Низомнинг 13-бандида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда, Харид комиссияси мажлисининг кун тартибига киритилган масала бўйича овоз беришда қатнашмаслик, ўзини ўзи рад этиши ва унинг сабаблари ҳақида комиссия раисига хабар бериш;

ўз ваколати доирасида ҳолисона қарорлар қабул қилиш.

20. Харид комиссияси раисининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари:

Харид комиссияси ишига умумий раҳбарлик қилиш ва мазкур Низом талаблари бажарилишини таъминлаш;

Харид комиссияси мажлисини ваколатли деб эълон қилиш;

Харид комиссиясининг мажлисини очиш ва уни олиб бориш, танаффуслар эълон қилиш;

муҳокама қилинадиган масалаларни кўриб чиқиш тартибини белгилаш;

Харид комиссияси аъзолари ўртасида харид иштирокчисини текшириш бўйича вазифаларни тақсимлаш;

зарурат ҳолатларда Харид комиссияси иши ва мажлисига экспертларни жалб қилиш масаласини муҳокамага қўйиш;

харид иштирокчисини текшириш тўғрисидаги ҳисоботни ўқиб эшиттириш;

мазкур Низомнинг 13-бандида белгиланган ҳолатларда Харид комиссияси аъзоларини рад қилиш ҳақида қарор чиқариш;

Харид комиссияси баённомасини тасдиқлаш.

Харид комиссияси раиси овоз беришда иштирок этишдан бош тортиш ҳуқуқига эга эмас.

21. Харид комиссияси котиби ташкилий-техник тавсифдаги функцияларни бажаради, комиссия аъзоларига Харид комиссиясининг навбатдаги мажлиси ҳақида аввалдан хабар беради. Комиссия раиси ва аъзолари томонидан кўриб чиқилган барча ҳужжатлар, имзоланган баённомаларни белгиланган тартибда сақланишини таъминлайди.

Харид комиссияси котиби мажлисда иштирок эта олмаганда, унинг функцияларини Харид комиссияси раиси томонидан тайинланган комиссияси аъзоларидан бири бажаради.

22. Харид комиссияси томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинган қарорлар барча иштирокчилар учун мажбурийдир.

5-боб. Харид комиссияси томонидан танлов (тендер) савдоларини ўтказиш тартиби

23. Харид комиссияси ўтказилаётган танлов (тендер)га оид таклифларни киритиш тартибини, ҳажмини ва кафолат турини (закалат ёки банк кафолати) ҳамда таклифларни қабул қилишнинг сўнгги муддатини белгилайди ва тегишли сабабларга кўра мазкур муддатни узайтириш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Бунда таклифларни қабул қилиш муддати махсус ахборот порталида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида биринчи эълон берилган вақтдан бошлаб ўн кундан кам бўлмаслиги керак.

24. Харид комиссияси иштирокчиларга танловда қатнашишига рухсат бериш ҳақидаги масалани ҳал қилиш мақсадида улар томонидан тақдим этилган материаллар асосида иштирокчиларнинг малакавий танловини ўтказади.

Бунда, қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик жараёнида

бўлган, Департамент билан суд ёки арбитраж орқали низолашаётган, инсофсиз ижрочилар ягона реестрида турган, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи бўлган, тижорат ва молиявий кўрсаткичлари бўйича талабларга жавоб бермайдиган иштирокчиларнинг танловда қатнашишига йўл қўйилмайди ва бу ҳақда тегишли қарор қабул қилинади.

25. Харид комиссияси танловга оид таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш муддатини белгилайди. Мазкур муддат таклифларни тақдим этиш муддати тугаган вақтдан бошлаб ўн кундан ошиши мумкин эмас.

26. Харид комиссияси келиб тушган таклифларни буюртмага тўғри келишини батафсил ўрганиш ва баҳолаш мақсадида ўзининг ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларнинг мутахассисларини, эксперт ва маслаҳат берувчи ташкилотлар вакиллари жалб этган ҳолда ишчи гуруҳи тузиши мумкин.

27. Харид комиссияси ўрнатилган мезонлар асосида, шунингдек иштирокчиларнинг қўшимча техник, ташкилий ва тижорат устунлиги, нуфузини инобатга олган ҳолда танловга оид таклифларни баҳолашни ва ғолибларни аниқлашни амалга оширади ҳамда танлов савдоси ғолиби, захирадаги иштирокчилар, шу билан бирга шартномани имзолаш муддатлари ҳақида қарор қабул қилади.

28. Харид комиссиясининг барча қарорлари Харид комиссияси аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолганида Харид комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи бўлади.

29. Харид комиссиясининг барча мажлислари ва қабул қилинган қарорлари баённомалар билан расмийлаштирилади. Баённомалар комиссиясининг ҳозир бўлган аъзолари томонидан имзоланади ва комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

30. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси Харид комиссиясининг иш жараёнида қарор қабул қилиши шарт, қарор қабул қилишда бетараф бўлишга йўл қўйилмайди. Овоз бериш очик тарзда амалга оширилади. Яширин тарзда овоз бериш ва Харид комиссиясининг аъзолари томонидан ўз ваколатларини бошқа шахсларга беришларига йўл қўйилмайди.

31. Харид комиссияси мажлисларида танаффуслар бўлиши мумкин. Мажлисни бир кун давомида кўчириш танаффус бўлиб ҳисобланади. Харидларнинг оммавий тартиб-таомилини ўтказишда танаффус эълон қилишга фақат харидлар лотлари орасида йўл қўйилади.

ҳолатларда Харид комиссияси мазкур танловни ўтмаган деб топади.

6-боб. Харид комиссиясининг жавобгарлиги

34. Харид комиссияси танлов (тендер) ғолибини иштирокчилар орасидан аниқлашда қабул қилаётган қарорларининг асослилиги ва беғаразлиги учун жавобгар бўлади.

Жумладан:

Харид комиссияси таркибида кворум бўлмасдан туриб қарор қабул қилинган тақдирда;

танлов иштирокчилари интеллектуал мулкининг дахлсизлиги ёки тижорат сирига бўлган ҳуқуқи бузилган тақдирда;

танлов иштирокчиларини танловда қатнашишдан асоссиз четлатган тақдирда;

ёпиқ аҳамиятга эга бўлган тартиб-таомилга оид масалалар натижаларини очиқ муҳокама қилган ва кўриб чиққан, махфий ахборотни ошкор қилган, танлов иштирокчилари ёки жалб этилган мутахассислар билан тил бириктирган, шунингдек, бошқа ғайриқонуний ҳаракатларни содир этган тақдирда;

Танлов ғолибини эълон қилиш тартиб-таомилини бузган, ҳозир бўлмаган танлов иштирокчиларига ўз вақтида хабар бермаган тақдирда жавобгар ҳисобланади.

35. Харид комиссияси давлат харидларининг бошқа субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар учун жавобгар бўлмайди.

7-боб. Якуний қоидалар

36. Қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек мазкур Низом талабларини бузиш белгиланган тартибда жавобгарликка олиб келади.